

БАЛОҒАТ ИЛМИДА ФИКР ИФОДАЛАШ ЙЎЛЛАРИ

СПОСОБЫ ВЫРАЖЕНИЯ МНЕНИЙ В НАУКЕ БАЛАГАТ

WAYS OF EXPRESSION OF OPINIONS IN SCIENCE RHETORIC

Nigora MULLASODIQOVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY
OF UZBEKISTAN,
PhD, Senior Lecturer,

Department of Arabic Language and Literature al-Azhar,
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

Kanagat ABDIRAMASHEVA,
INTERNATIONAL KAZAKH-TURKISH UNIVERSITY,
KAZAKHSTAN

DOI: 10.47980/PAU/2023/4/5

Аннотация. Мақоланинг асосий мақсади – сўзловчи ўз фикрини ифодалашида қандай услублардан фойдаланиши мумкинлиги билан таништиришидир.

Фикр ифодалаш учун энг муҳим омил “гап” деб қаралади. Гапнинг асосини эса сўзлар ташиқил қилган бўлиб, уларнинг гап таркибида қандай қўлланишига қараб фикр ифодалаш услублари ўзгариши кузатилади. Гап тузилиши аслида наҳв илмида ўрганилади, аммо улардан кутилдиган маънолар эса грамматиканинг мавзуси деб ҳисобланмайди, мазкур масала стилистика фани доирасида таҳлил қилинади. Гапларнинг стилистик қурилиши ва уларнинг мазмуни арабларда “балоғат илми” фанининг “маъоний илми” қисмида таҳлил қилинади. Яъни калом, унинг турлари, ўзаро фарқлари, фикр ифодалашида каломнинг аҳамияти, гап бўлақларини қўллашдаги ўзига хосликлар каби масалалар маъоний илмининг марказий масаласи деб ҳисобланади.

Маъоний илмида гапларнинг воқеъликни тўғри ёки ёлгон акс эттиришига, шунингдек, воқеъликда маълум ўзгаришлар бўлишини талаб қилиш ва қилмаслигига кўра тақсимланади. Уюшаётган гаплар боғловчи воситасида ёки мазмунга пўтур етказмасдан боғловчисиз боғланиш шартлари ҳам мазкур илм доирасида тадқиқ қилинади. Гап мавзусига боғлиқ муҳим масалалардан яна бири фикр ифодалаш услублари бўлиб, у маъоний илмининг сўнгги масаласи деб эътироф этилади.

Маъоний илмида фикр ифодаланишнинг уч йўли мавжуд, улар ийжоз, итноб ва мусава. Сўзловчи қўзлаган мақсадини тингловчининг ҳолатига қараб ифодаланиш лозим. Агар у ўз фикрини қисқа ва лўнда қилиб ифодаламоқчи бўлса кам гап ва кам сўз қўллади. Бу балоғат илми истилоҳида “ийжоз” деб номланади. Худди шу каби мақсад батафсилликни талаб қилса сўзловчи кўп гап ва сўзларни қўллаш лозим, бу масала эса “итноб” мавзуси доирасида таҳлил қилинади. Сўзловчи мақсадини етказишида сўз ва маъно тенглигига риоя қилиб гап тузиши “мусава” услуби деб ҳисобланади.

Мазкур мақолада “балоғат илми”да фикр ифодаланишнинг ўзига хос услублари ва уларнинг яширин сирлари батафсил таҳлил қилинган. Мақола қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, систем-структур, тавсифлаш каби усуллардан фойдаланиб ёзилган.

Калит сўзлар: маъоний илми, гап, услуб, ийжоз, итноб, мусава.

Аннотация. Основная цель статьи — ознакомление с возможностью выбора стиля, который может использовать говорящий для выражения своего мнения.

Важнейшим фактором для выражения мысли считается речь. Основу предложения составляют слова, и в зависимости от того, как они используются в структуре предложения, наблюдается изменение стилей выражения мыслей. Структура предложений изучается в грамматике, но ожидаемые от них значения не считаются предметом грамматики, этот вопрос анализируется в рамках стилистики. Стилистическое построение предложений и их содержание анализируются в «науке о смыслах», части науки «балагат» у арабов. То есть, такие вопросы, как речь, виды предложения и их различия, выбор видов предложения для выражения мысли, особенности употребления частей речи считаются центральными вопросами науки о смыслах.

В науке о смыслах (ма’оний илми) предложения делятся по тому, правильно или ложно они отражают действительность, а также требуют ли они определенных изменений действительности. В рамках этой науки изучаются также термины соединения предложений с союзами или без них. Еще одним важным вопросом, связанным с темой речи, является стиль выражения, который признан последней проблемой науки о смыслах. В науке о смысле есть три способа выражения идей: иджаз, итнаб и мусава. Говорящий должен выражать свою цель в соответствии с ситуацией слушателя. Если он выражает свои мысли кратко и лаконично, он использует мало слов. Это называется «иджаз». Если цель требует детализации, необходимо

использовать несколько предложений и много слов. Этот вопрос анализируется в рамках темы «итноб». Стил «мусава» проявляется, когда говорящий строит предложение в соответствии с равенством слов и смысла при передаче своей цели.

В данной статье подробно анализируются уникальные способы выражения мыслей и их скрытые тайны в «науке балага».

В статье в ходе исследования применены сравнительно-исторический, сравнительно-типологический, системно-структурный, описательный методы.

Ключевые слова: наука о смыслах, речь, стиль, многословие, лаконичность и умеренность речи

Abstract. The main purpose of the article is to introduce the styles tha speaker can use to express his opinion.

The most important factor for the expression of thought is «speech». The basis of the sentence is words, and depending on how they are used in the structure of the sentence, there is a change in the styles of expressing thoughts. The structure of sentences is studied in grammar, but the meanings expected from them are not considered the subject of grammar; this issue is analyzed within the framework of stylistics. The stylistic construction of sentences and their content are analyzed in “manoiy ilmi” (science of semantics) which is the module of the subject of “balagat” of Arabic. Issues such as the science of kalam, its types, mutual differences, the importance of the word in expressing thoughts, peculiarities in the use of parts of speech are considered to be the central issues of science of semantics.

In the science of semantics, sentences are divided according to whether they correctly or falsely reflect reality, and also whether they require certain changes in reality. Within the framework of this science, the terms of connecting sentences with or without conjunctions are also studied. Another important issue related to the topic of speech is the style of expression, which is recognized as the last problem of the science of semantics. In the science of semantics, there are three ways of expressing ideas: *ijaz*, *itnab*, and *musawa*. The speaker must express his purpose according to the listener's situation. If he expresses his thoughts briefly and concisely, he uses few words. This is called “*ijaz*”. If the goal requires detail, you need to use a few sentences and a lot of words. This issue is analyzed within the framework of the topic “*itnab*”. “*Musawa*” style is considered when the speaker builds a sentence in accordance with the equality of words and meaning when conveying his goal.

This article analyzes in detail the unique ways of expressing thoughts and their hidden secrets in the «science of balaga».

The article is written using comparative-historical, comparative-typological, system-structural, descriptive methods.


Keywords: the science of semantics, speech, style, *ijaz*, *itnab*, *musawa*

КИРИШ

Сўзловчи ўз фикрини тингловчига тўғри етказиб бера олиши балоғат илмининг муҳим шартларидан биридир. Фикр ифодалашда сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолати энг муҳим омил деб қаралади. Шу билан бирга нутқ юзага келаётган вазият ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда маъоний илмида фикр ифодалаш учун сўз ва маънонинг ўзаро уйғунлашувини ҳисобга олиш шарт деб белгиланган.

Фикр ифодалаш услублари уч турга ажратилади, улар қуйидагилардир:

1. Ийжоз
2. Итноб
3. Мусава



Фикр ифодалаш учун қўлланаётган нутқ таркибида кам сўз орқали кенг маънога ишора қиладиган услуб “ийжоз” деб аталади. Агар нутқда кўп сўзлар ёки гаплар қўлланса ва мазмун фойдаланилган сўзлар ва гаплар қўламига нисбатан тор бўлса “итноб” деб аталади. Фикр ифодалашда сўзлар ва гаплар қўзланаётган мазмунга тенглашса, ортиқча қисқартириш ва сўзларсиз ифодаланса “мусава” деб номланади (Hoshimiyy, 1955:195). Демак, “ийжоз” кам сўз орқали кенг фикр, “итноб” кўп сўз ва гап воситасида қисқа маъно, “мусава” эса сўз ва мазмун тенглигини ифодалайди.

УСЛУБЛАР

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – фикр ифодалашда қўлланадиган услублардан бири деб ҳисобланадиган “ийжоз” услубини стилистик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш деб белгиланади. Бунинг учун маъоний илмида ўрганиладиган ийжоз, итноб ва мусава

услуглари Қуръони карим оятлари ва классик матнлар асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотни амалга оширишда қадимги ва янги даврда ижод қилган балоғат илми олимларининг илмий қарашлари қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, систем-структур, тавсифлаш каби усуллар асосида таҳлил қилинган.

ТАҲЛИЛ

إيجاز – ийжоз луғатда “қискартириш, лўнда ва мухтасар қилиш; мухтасарлик, лўндалик, қисқалик; озгина сўзга кўп маънони сиғдира олиш, маънодорлик” каби маъноларни билдиради (Ibrohimov N, Oripov A, Ikromjonov A, Zayriev A., 2022. T.IV:600).

Бу атама жоҳилия давридан бошлаб кенг қўлланган. Жоҳиз ийжозни “*оз сўз билан кўп маънони ифодалаш йўли*” деб таърифлаган (Al-Johiz, 2006:185). Зиёвуддин ибн Асир эса “ортиқча сўзлар қўлламасдан ифодаланган фикр” дейди (Al-Asir, 2016:191). Салима Рустамий ийжозни “ийжоз усули маънони кучайтириш ва шаклни ихчамлаштиришни таъминлашга қаратилган” деб таърифлайди (Rustamiy S., 2018:112).

Ийжоз услубини қўлланишига Юсуф Саккокий кўра икки турга ажратган:

إيجاز قصر - ийжоз қисар

2. إيجاز حذف - ийжоз ҳазф

Ийжоз қисар – фикр ифодалашнинг мазкур турида қўлланилаётган гап таркибида бирор сўзни тушириб қолдириш мумкин эмас, аксинча кам сўз ва иборадан фойдаланган ҳолда жуда кенг маънога ишора қилиш кўзда тутилади. Асирий бу турни “..фикрни ифода этишнинг энг олий туридир, кимки гап таркибида бу ҳолатни топа олса, демак, у энг нодир, кам учрайдиган турни топган бўлади”, деб таърифлайди (Atiq, 1985:192). У “маъоний илми”да яна “ийжоз балоғий” деб ҳам аталади. Масалан:

– وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ. (Бақара с. 179) Сизлар учун қасосда ҳаёт бор

Оятнинг мазмуни қуйидагича талқин қилинади:

Инсон қотилликка қўл урса, албатта ўзи ҳам ўлдирилади, бу эса ҳаётининг тугашига сабаб бўлади, яъни инсон қотилликнинг жазоси ўлим эканини билса, жиноятни амалга оширишдан ўзини тияди, бу йўл билан унинг ҳаёти сақлаб қолинади, зурриёди кўпайиши, фойдали иш билан шуғулланиши, фаровонликда яшаши гаровланади (Mansur, Qur’oni karim ma’nolarining tarjiması, 2019:27).

خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ

(Эй Мухаммад,) марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг! (Аъроф с. 199)

Мазкур оятда кўзда тутилган ҳолат урушни тўхтатишга буйруқ бўлиб, аҳмоқларга тенг келмаслик уқтирилади.

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ (۱) اللَّهُ الصَّمَدُ (۲)

(Эй, Мухаммад), айтинг: У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожатбарордир. (Ихлос с., 2-۱)

Бу оятда Аллоҳдан бошқа бирор жонзод - хоҳ у инсон бўлсин ёки бирор бут-санам бўлсин, ибодат қилишга лойиқ эмаслиги, фақат Аллоҳ ибодат қилишга лойиқ яккаю ягона Зот экани уқтирилади.

إيجاز حذف – ийжознинг мазкур турида гап

бўлакларидан бирор қисми тушириб қолдирилади ва у гапнинг умумий мазмунини ўзгаришига таъсир қилмайди. Гап таркибида қандай қисм тушириб қолдирилиши араб манбаларида беш сабабга асосланиши таъкидланади, улар қуйидагича белгиланган:

الاقتطاع

الاكتفاء

التضمين

الاحتباك

الاختزال (Boqilloni, 1993. T.II:202)

الاقتطاع – классик матнларда, хусусан, Қуръон матнида ҳам баъзи сўзлар таркибидаги ҳарфларнинг тушиб қолиши кўп учрайди. Бу каби туширишларнинг сабабини наҳв илмида “сўзларнинг талаффузини енгиллаштириш учун” деб баҳоланади. Балоғат илмида эса талаффузни осонлаштириш билан бирга “маънони таъкидлаш” учун ҳам қўлланишига урғу берилади ва уни “иктитаъ” атамаси билан номлашган. Масалан:

فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذُرِ

Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай экан?! (Қамар с.,16)

إِغَادَتَا رُكُومَ سُؤْنِيْنِ تَارْكِيبِيْدَا I шахс бирлик сондаги эгалик олмоши (ياء المتكلم) тушиб қолган, уни аввалги “عَذَابِي” сўзи билан уюштирган ҳолда نُذُرِي деб тушуниш керак, деб ҳисобланади.

الاكتفاء – кифоя деб ҳисоблангани учун

тушириб қолдириш; Қуръони каримнинг ўзига хос услубларидан бири оятларнинг ўзаро фикрий ва мантикий боғлиқлигига қараб ажратилишидир. Мазмунан бир-бирига боғлиқ икки сўзнинг муҳимроғи талаб қилинган ўринда балоғий услуб учун зикр қилинади ва шу билан кифояланиб иккинчи сўз муҳим деб ҳисобланмагани туширилади. Бу ҳодиса матн мазмунига стилистик жиҳатдан ҳеч қандай путур етказмайди, аксинча, зикр қилинган сўз жуда муҳим эканига урғу берилади, масалан, “Бақара” сурасининг 2-оятдаги “هُدًى” бирикмасида “لِلْمُتَّقِينَ” сўзи аслида “لِلْكَافِرِينَ” ёки “لِلضَّالِّينَ” сўзлари билан фикрий ва мантикий яхлитликни ташкил қилади, оятда “لِلْكَافِرِينَ” ёки “لِلضَّالِّينَ” сўзлари келтирилмаган. Бунга сабаб кофир ёки залолатга юз тутган одам тўғри йўл тутмаслиги ва бу йўл фақат солиҳлар учун аталган йўл деб ҳисобланганига “لِلْمُتَّقِينَ” сўзи муҳим деб ҳисобланиб,

у билан кифояланган, деб ҳисобланади (Bayzoviy, 1955: T.I: 12).

التضمين – гап таркибида бир сўз туширилиб, маъноси зикр қилинаётган бошқа сўзнинг мазмунига сингдирилади, натижада бир гап икки гапнинг қувватига тенглашади. Бунга “بِسْمِ” феълини мисол қилиш мумкин, “بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ” каломи билан Аллоҳ таолога эҳтиром, шунингдек “ҳар қандай иш ёки ҳаракатни меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлаш” деган маъно ҳам ифодаланади, мазкур ибора асосида ясалган “بِسْمِ” феъли “меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан, деб айтди” деган маънони ифодалаши “гадмин” деб ҳисобланади.

الاحتباك – ихтибак ийжоз ҳазфнинг энг нафис ва ўзига хос мураккаб тури бўлиб, сўз шакли билан боғликлиги учун бадиий муҳассинотлардан бири деб ҳам қаралади. Мазкур ҳазф тури Куръони каримда ҳам жуда кўп учрайди. Унда сўзловчи бир-бирига зид икки гап қўллайди, биринчи гап таркибидаги маълум бир тушунча маъносига далолат қилувчи сўз иккинчи гапда мавжуд бўлса туширилади, худди шу каби иккинчи гап таркибидаги белгиланган сўз маъносига далолат бўлувчи сўз биринчи гапда мавжуд бўлса иккинчисидан тушириб қолдирилиши ҳам кузатилади. Шунда зикр қилинган сўз туширилган сўз маъносини ифодалаши шарт деб қаралади. Агар туширилган сўз маъноси ифодаланмаса услуб хато деб ҳисобланади. Сўзларнинг ихтибак йўли билан туширилишига берилган таърифларнинг энг соддаси қуйидагича:

هو أن يُحذف من الأول ما أثبت نظيره في الثاني، ومن الثاني ما أثبت نظيره في الأول
у иккинчисидан ўхшаши бўлгани учун биринчисидан ва аксинча, биринчисидан ўхшаши борлиги учун иккинчисидан ҳазф қилинадиган сўздир (Bayzoviy, 1955: T.I: 12), масалан:

وَأَدْخَلَ يَدَكَ فِي جَيْبِكَ تَخْرُجُ بَيْضَاءٌ مِنْ غَيْرِ سَوَاءٍ. (س. النمل، ٢١)
Қўлингни қўйнингга тик, у ҳеч қандай ёмонликсиз, оппоқ бўлиб чикур. (Намл с., 12)
١ - أدخل (يدك في جيبك) - ٢ - تخرج
٣ - أخرجها - ٤ - تخرج
(بيضاء من غير سوء.)

Мазкур оятни рақамлар ёрдамида тушунтирсак, биринчи рақамда келтирилган гап оятнинг биринчи қисми бўлиб, унинг давоми тўртинчи рақамда акс этган. Ўртада иккинчи рақамдаги маънога далолат қилувчи сўз биринчисидан “أدخل” таркибида борлиги учун кейингиси туширилган. Шу каби учинчи рақамдаги сўз маъносига ишора бўлувчи сўз тўртинчи рақамдаги қисмда мавжудлиги учун аввал келиши мумкин бўлган бўлак туширилган.

الاختزال – бу ҳазф тури “қисқартма” деб номланиб, балоғат ва наҳв илмлари олимларининг фикрича, у исм, феъл, ҳарф, жумла ёки бир нечта жумлалар ёки кўп воқеалар ҳикоя қилинаётганда

нутқ орасида баъзи узунроқ фикрлар ҳам тушириб қолдирилиши мумкинлиги исботланган. Туширилаётган элемент баъзан сўз таркибидаги ундош ҳарфлардан бири, сўз бирикмаларининг бирор қисми – мослашган аниқловчи бирикма таркибидаги мавсуф (аниқланмиш) ёки сифат (аниқловчи), изофа бирикмаси таркибидаги мудоф (аниқланмиш) ёки мудоф илайҳи (қаратқичли аниқловчи), шарт эргаш гапнинг бир қисми бўлиши ва улар синтактик жиҳатдан гапнинг бирор бўлаги вазифасини бажариши мумкин, жумладан мубтадо (ислмий жумланинг эгаси), хабар (исмий жумланинг кесими), феъл (феълий жумланинг кесими) ва фоъил (феълий жумланинг эгаси), аниқловчи, тўлдирувчи ва хол вазифасида келиши мумкин, масалан:

Сўз таркибидаги бир ундош ҳарфнинг туширилиши:

وَلَمْ أَكُ بَغِيًّا. (Марям с. 20) - Бузуқ аёл бўлмасам...

Бу оятдаги ن ҳарфи тушиб қолган. Асл ҳолати لَمْ أَكُنْ.

Ҳарф – ёрдамчи сўзнинг туширилиши:
قَالُوا تَاللّٰهِ تَتَّقُوا تَنْكُرُ يُوسُفَ حَتَّىٰ تَكُونَ حَرَضًا أَوْ تَكُونَ مِنَ الْهَالِكِينَ
(Шунда ўғиллари): “Аллоҳ ҳаққи, то чала ўлик бўлиб қолгунингизча ёки (бир йўла) ҳалок бўлгунингизча, Юсуфни эслайверар экансиз-да?!” – дедилар. (Юсуф с. 85)

феълининг бирикмаси таркибидаги تَتَّقُوا феълининг асли мафъил ёрдамчи бўлиб, ҳозирги-келаси замонда ما تَقِيْ (давом этаверади) маъносидаги феъл каби لا يَزَالُ шаклида бўлиши керак эди, оятда لا юкламаси тушириб қолдирилган ва феъл қисми маънога далил бўлиб қолаверган.

Изофа бирикмаси таркибидаги мудоф ёки мудоф илайҳининг тушириб қолдирилиши, масалан:

а) мудофнинг тушиб қолиши:
وَسَنَلِ الْقَرْيَةَ الَّتِي كُنَّا فِيهَا وَالْعَيْرَ الَّتِي أَقْبَلْنَا فِيهَا
Биз бўлиб қайтган шаҳар (аҳли)дан ва бирга кетган қарвондан сўрагин. (Юсуф с. 85)
القريّة ва العير сўзлари изофа бирикмасининг мудоф илайҳи қисми бўлиб, унинг мудоф қисми тушиб қолган, асли أَهْلُ الْقَرْيَةِ ва أَصْحَابُ الْعَيْرِ шаклида бўлади.
б) мудоф илайҳининг тушиб қолиши:
وَوَاعَدْنَا مُوسَى ثَلَاثِينَ لَيْلَةً وَأَتَمَمْنَاهَا بِعَشْرِ

مُوسَى билан ўттиз кеча ваъдалашдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. (Аъроф с. 142)
ليالٍ - мудоф, унинг мудоф илайҳи қисми - тушиб қолган.

Мослашган аниқловчи таркибида мавсуф ёки сифатнинг бири туширилиши:

а) мавсуфнинг тушиб қолиши:
آتَيْنَا ثَمُودَ النَّاقَةَ مُبْصِرَةً فَظَلَمُوا بِهَا.
Самуд қабиласига (очиқ мўъжиза сифатида) туяни ато этганимизда, унга зулм этдилар. (Исро с. 59)

Оятдаги مبصرة сўзи *الناقاة* сўзига боғлиқ эмас, бу сўз асли оят таркибида келтирилмаган *آية* сўзига аниқловчи деб ҳисобланади.

а) аниқланмиш – мавсуф ундалма ёки масдар таркибида ишлатилган бўлса, у ҳам тушиб қолиши мумкин, масалан:

يا ايها القوم الذين آمنوا *القوم* сўзи гапининг аниқланмиши бўлиб, бирикма таркибидан тушириб қолдирилган ва *أيها* тарзида ҳам бир маънони ифодалайди. Шу каби мисолни яна қуйидаги бирикмада ҳам кўриш мумкин:

يا ايها الرجل الساحر – *Эй сеҳргар инсон*
– *эй сеҳргар* –

масдар таркибидаги аниқланмишнинг тушиб қолиши:

وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا.

Кимки тавба қилиб, эзгу (ишларни) қилса, бас, албатта, у Аллоҳ (ризоси ва мағфирати)га қайтган бўлур. (Фурқон с. 71)

Оятдаги *صالحا* сўзининг аниқланмиши *عَمَلًا* сўзи бўлиб, морфологик жиҳатдан “масдар” деб ҳисобланади. Бу қисмни *عَمَلًا صَالِحًا* деб тушуниш керак.

б) мослашган аниқловчи – сифатнинг тушиб қолиши:

فَأَرَدْتُ أَنْ أَعِيبَهَا وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلَكٌ يَأْخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصْبًا.

Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи эдим. (Чунки) уларнинг ортида барча (бутун) кемаларни тортиб олаётган бир подшоҳ эди. (Каҳф с. 79)

سفينة таркибидаги *يَأْخُذُ* ибораси сўзининг аниқловчиси *صَحِيحَةً* деб ҳисобланади ва у оятда туширилган.

Қасам ёки унинг жавоби тушиб қолиши. Масалан:

والله لا فعلن дейилганда, унинг қасам шакли туширилиб, *لا فعلن* шаклида ҳам ишлатилиши мумкин.

Қасам билан бир қаторда унинг жавоби ҳам туширилиши мумкин. Масалан:

ق وَالْقُرْآنِ الْمَجِيدِ . بَلْ عَجِبُوا أَنْ جَاءَهُمْ مُنْذِرٌ مِّنْهُمْ فَقَالَ الْكَافِرُونَ هَذَا شَيْءٌ عَجِيبٌ

1. Қоф. Улуғ Қуръон билан қасамёд этаман!
2. Ҳа, уларга (фаришта ўрнига) ўзларидан бўлмиш бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) келганидан ажабландилар. Шунда кофирлар айтдилар: “Бу жуда қизиқ нарсаси-ку!” (Қоф с. 1-2)

Бу оятда қасамнинг жавоби деб ҳисобланган *سُورَةُ* сўзи туширилган. Абдулазиз Мансур бу оятни қуйидагича изоҳлайди: Қасамёд этилди, лекин қасамнинг жавоби, яъни нимага қасамёд этилгани оятда зикр этилмади. Бунинг сабаби жавоб кейинги оятлар мазмунидан аён бўлиб турганида. Бу тақдирда қасам жавоби – *Сиз, эй Муҳаммад, қайта тирилиш ҳақ эканини ҳар қанча исботламоқчи бўлсангиз*

ҳам, Макка аҳли ишонмайди, деган сўздир (Mansur, 2019:518).

Шарт ёки унинг жавоби тушиб қолиши. Масалан:

مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذَا أَذْهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ وَلَعَلَّ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ

Аллоҳ фарзанд тутган эмас ва У билан бирга бирор илоҳ бўлган эмасдир. Акс ҳолда, албатта, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, биридан устун бўлиб олур эдилар. (Муъминун с. 91)

Оят аслида *وَأَذْهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ* тарзида шарт ва унинг жавоби қўйилган.

Мубтадо вазифасидаги сўзнинг тушиб қолиши: *وَمَا أَذْهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ*.

Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?! (У) қизиган дўзахдир! (Қориа с., 1011-)

Бу оят таҳлил қилинганда ундан аввалги иккинчи ва учинчи оятлар савол, тўртинчи оятдан тўққизинчи оятгача аввалги икки саволга жавоб тариқасида келганини, ўнинчи оят эса риторик савол бўлиб, ўн биринчи оят шу риторик саволнинг жавоби тариқасида келганини кўриш мумкин. Хулоса қилиб бирлаштирсак, саволга жавоб бўлаётган оятлар қўплиги учун ҳар бирида мубтадони келтириш шарт эмас, деб ҳисобланади. Шунинг учун ўн биринчи оятда мубтадо туширилган, аслида уни *هِيَ نَارٌ حَامِيَةٌ* деб тушуниш лозим.

Хабар вазифасидаги сўзнинг туширилиши, масалан:

أَكْلَهَا دَائِمٌ وَظَلَّهَا

Мевалари ва соялари боқийдир. (Раъд с., 35)

Бу оятда *أَكْلَهَا* ва *ظَلَّهَا* сўзлари ўзаро уюшиб, эга вазифасини бажарган. *أَكْلَهَا* деганда “унинг (жаннатнинг) мевалари доимийдир, ерга тўқилмайди ҳам ва ейиш таъқиқланмайди ҳам, деб тушуниш тўғри. Кесим – хабар эса *دَائِمٌ* сўзи бўлиб, у биринчи гап таркибида келтирилган, иккинчисидан эса уюшаётгани ва мазмун тушунарли бўлгани учун тушириб қолдирилган. Бу қисмни аслида *لا وَظَلَّهَا دَائِمٌ* (Zamaxshariy, Al-Kashshaaf ‘an haqa’iqi g’avamidi-t-tanzil va ‘uyunil-aqovil fiy vujuhit-ta’vil, 2008:777) – сояси йуқолмайдиган доимийдир, бу дунёдаги куёш йўқ бўлади, аммо жаннатдаги соя доимий, йўқ бўлмайдиган соядир, деб тушуниш лозим.

Фоъил вазифасидаги бўлакнинг туширилиши, масалан:

لَا يَسْأَلُ الْإِنْسَانُ مِنْ دُعَاءِ الْخَيْرِ

Инсон (ўзи учун) яхшилик тилашдан малолланмас. (Фуссилат с., 49)

Бу оятни таҳлил қилишда гапнинг эгаси – *فوئили* тушуриб қолдирилгани маълум, оятда дуо сўзи кўмакчи таъсирида қаратқич келишигида воситали тўлдирувчи вазифасида келган, аслида уни *دُعَاءُ الْخَيْرِ* деб тушуниш лозим.

Мафъул биҳи – воситасиз тўлдирувчининг туширилиши, масалан:

إِنَّ الَّذِينَ اتَّخَذُوا الْعِجْلَ

Албатта, бузоқни илоҳ қилиб олганларга...
(Аъроф с., 152)

Оятдаги اتَّخَذُوا الْعِجْلَ қисмини اتَّخَذُوا الْعِجْلَ деб тушуниш зарур, оятда “إِلَٰهًا” сўзи ҳазф қилинган, шунинг учун кўринмаган, унинг гапдаги вазифаси воситасиз тўлдирувчи деб ҳисобланади ва у ўзбекча таржимада акс этган.

Холнинг туширилиши:

إِنَّا وَجَدْنَاهُ صَابِرًا نِّعْمَ الْعَبْدُ أَيُّ: أَيُّوْبَا

Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи деб топдик. (Сод с., 44)

Оятни асл ҳолда إنا وجدنا عبداً صابراً على ما أصبناه به من بلاء، ونعم العبد هو ўзимиз келтирган мусибатларга сабрли эканини ва у ниқадар яхши бандалигини топдик, деб тушуниш лозим.

НАТИЖА

Ийжоз услубининг балоғий хусусиятларидан энг муҳими унинг қисқа ва лўнда гап билан кўзланган мақсадга етишга олиб боришидир. Мазкур услуб орқали фикр ифодалашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Ийжоз услуби билан фикр ифодалашда хабар Аллоҳга хос сифат билан боғлиқ бўлса, гапнинг эгасини тушириб қолдириш мумкин.

2. Нутқ давомида айрим масалаларни батафсил гапириш бошқа муҳим масалалар ҳақидаги маълумотларни етказиб бериш имконини чеклашга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда вақтни бой бермаслик учун муҳим жиҳат қисқа ва лўнда ифодаланади. Бу услуб огоҳлантириш ва гиж-гижлаш маъноларини ифодалашда кўп қўлланади.

3. Қурилиши жиҳатидан шарт эргаш гап каби тузилган гапларнинг шарт қисми ифодаланиб, жавоб қисмини қисқартириш мумкин. Бу билан тингловчининг онгида ўзи истаётган эътиборнинг чексиз кадрланишига олиб келиши кузатилади. Одатда бундай тур орқали муболаға йўли билан бўрттириш, улуғлаш каби маъноларни ифодаланиш кузатилади.

4. Нутқ давомида ундалма ва ундов воситаларидан бири ёки нун каби ҳарфларнинг туширилиши тил айланишини осонлаштиради сабаб бўлади ва бу ўз ўрнида ийжоз йўлларида деб ҳисобланади.

5. Маълум бўлакларни тушириб қолдириш ёки муҳим қисмларини сақлаб қолиш йўли билан кўзда тутилаётган томонларга ҳурматни изҳор қилиш ёки уларни таҳқирлаш ёки синаш мақсад қилинади.

Бўлакларнинг туширилиши ёки сақланиши унинг услубини ўзгартирмайди.

6. Диний, дунёвий масалаларда, умуман, ҳар қандай амалларда умумийликни ифодалашда қўлланади.

Ийжоз ҳазф турида юқорида санаб ўтилган ҳар бир йўл нутқни қисқа, лўнда ва тушунарли қилиб етказиб беришга асос деб ҳисобланади.

ХУЛОСА

Араб балоғат илмида фикр ифодалашда сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолати муҳим омил деб қаралади.

Фикр қандай услубда ифодаланишидан қатъий назар тингловчи учун тушунарли бўлиши зарур. У махсус тарзда қисқа ва лўнда қилиб ифодаланса ҳам ёки батафсил изоҳланадиган бўлса ҳам тингловчида савол туғдирмаслиги лозим. Яъни услубнинг қисқалиги саволлар туғилишига ёки батафсиллиги тингловчини зериктирмаслиги, аксинча гап мазмунига қизиқтириб қўйиши асосий шартлардан деб талаб қилинади.

Ифода услубини тўғри танлаш ва қўллаш классик матнларни тўғри таҳлил қилишда, шунингдек ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда ижобий самара беради, деб ҳисобланади.

Ифода услубида ийжоз энг нозик услуб деб ҳисобланади. Бунга унинг кам сўзлар орқали кенг маънога ишора қилиши асл сабаб деб ҳисобланади.

Ийжоз ҳазф услубини қўллашда гап таркибидаги ҳарфлар, бўлаклар, шунингдек, жумлалар ҳам туширилиши мумкин.

Ийжознинг энг мукамал ва энг нозик тури ийжоз қисар деб ҳисобланади. Мазкур услубда фикрнинг бирор ҳарфи ҳам туширилмайди, аксинча ҳеч бир қисм қисқартирилмаган ҳолида кам сўзлар билан кенг фикрга ишора қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Al-Asir, Ziyouddin. (2016). Al-masalu-l-sā'ir fī adabi-l- kātib va-sh-shā'ir. Qohira: daru-n-nahda.
2. Al-Johiz, Abu Usmon. (2006). Kitābu-l-bayān va-t-tabyīn. Bayrut: Daru-l-jīl.
3. Atiq, Abdulaziz. (1985). 'Ilmu-l-ma'āniy. Bayrut: Dāru-n-nahḍati-l-'arabiyya.
4. Atr, Ziyouddin. (1988). Al-mu'jizatu-l-xolidatu. Bayrut: Daru ibn Hazm.
5. Baydoviy, Abdulloh. (1955). Anvāru-l-tanzīl va asrāru-t-ta'vīl (T. I). Misr.
6. Bisyuniy, Abdulfattoh. (2015). 'Ilmu-l-ma'āniy. Qohira.
7. Boqilloni, Abubakr. (1993). 'I'jāzu-l-Qur'ān fī zayli-l-itqān (T. 2). Makka: Dārul-bāz.
8. El-Kubesi, A. & Shehade, M. (2019). مخالفات الرازي لأبي مسلم الأصفهاني في تفسيره الكبير – الجزء الأول من سورة البقرة نموذجاً – عرض

ودراسة نقدية: The Differences between Abu Muslim al-Asfahani and Fakhruddin al-Razi in Surah al-Baqarah of al-T.// Ma'alim al-Qur'an wa al-Sunnah. 15 (2), 197-214.

9. Jorim Ali. Amin Mustafo. (1992). Al-balag'atu-l-vodihatu. Bayrut: daru sodir.

10. Hamzah, Basri Mahmud. (2020). Penggunaan asalib al-ma'ani di beberapa ayat dalam al-qur'an al-karim.// Prosiding Konferensi Nasional Bahasa Arab, 6(6), 889-905.

11. Hava, Said. (1985). Al-asas fi-t-tafsir. Qohira: Daru-s-salam.

12. Hoshimiy, Ahmad. (1955). Javāhiru-l-balag'a fi-l-ma'aniy va-l-bayān va-l-badi'. Bayrut: Dāru-l-ihyā'i-t-turāsīl-arabiy.

13. Ibrohimov Ne'matulloh, Oripov A, Ikromjonov A, Zayriev A. (2022. T.IV:600). Al-Qomus (T. IV). -Toshkent: G'afur G'ulom.

14. Ismoilov, Botir. (2020). Linguopoetic analysis of surah Humaza. //Интернаука, 66-67.

15. Manggala, Dony Nata. (2014). /Uslub al ijaz fi mawlad al-gharb li shaykh al-Gharb (dirasah tahliliyyah fi'ilm al ma'aniy) .

16. Mansur, Abdulaziz. (2019). Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi va tafsiri. Toshkent: Toshkent islom universiteti.

17. Mullasodiqova, Nigora. (2019). Formas de expresion de opinion en la ciencia Maoniyy.//Religación. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades, 4(20), 70-75.

18. Qazviniiy, Jaloliddin. (2003). Al-Iydoh fiy 'ulumil-balag'a al-ma'aniy va-l-bayan va-l-badi'. Bayrut: Darul-kutubil-ilmiyya.

19. Rustamiy, Salima. (2016). "Esasu-l-belaga" ve "Divan-u lugat-it-türk" eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri.//Electronic Turkish Studies, 11(20).

20. Rustamiy, Salima. (2018). /O'rta asrlar islom balog'at ilmida tilshunoslikka oid qarashlar. - Toshkent.

21. Sohib Islom Maqsud ar-Rahmon. (2016). Al-Iyjaz fi-l-Qur'ani-l-karim.//Al-Iydoh, crp. 241-251

22. Sofiy, Mahmud. (1999). Al-jadval fiy i'rabi-l-Qur'an va sarfihi va bayanihi. -Iran: an-nahda.

23. Xudoyqulova, Sh., Dehqonova L. (5-2021 г.). Abdulla Qodiriyning so'z qo'llash mahorati.// Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences, 589-595.

24. Yafie, Irfan. (2016). Al ijaz wa al itnab fi aurah ibrahim wa amaryam (dirasah tahliliyyah balaghiyyah fi'ilm al ma'aniy). - Jakarta.

25. Zamaxshariy, Mahmud. (1979). Asasu-l-balog'a. Bayrut: Daru-l-fikr.

26. Zamaxshariy, Mahmud. (2008). Al-Kashshaf 'an haqa'iqi g'avamidi-t-tanzil va 'uyunil-aqovil fiy vujuhit-ta'vil (T. I). Darul-kitabil-'arabiy.

REFERENCES

1. Al-Asir Z. Al-masalul-sa'ir fi adabi-l- katib va-sh-sha'ir. - Qohira: dorun-nahda. 2016.

2. Al-Johiz A. Kitabul bayan vat-tabyiin. - Bayrut: darui-jil. 2006.

3. Atiq A. Ilmul-ma'oniyy. - Bayrut: Darun-nahdati-l-arabiyya. 1985

4. Atr Z. Al-mu'jizatu-l-xolidatu. - Bayrut: daru ibn Hazm. 1988.

5. Baydoviy A. Anvarul-tanzil va asrorut-ta'vil. - T. I. - Misr. 1955

6. Baqilloniyy A. I'juzul-Qur'on fi zaylil-itqon. - Makka: dorul-boz. 1993.

7. Bisyuniy A. Ilmul-ma'oniyy. - Qohira. 2015

8. El-Kubesi A. A. K., Shehade M. M. Muxolafatu-l-Roziiy li abi Muslim al-Isfahoniyy fi tafsiri-l-kabir. The Differences between Abu Muslim al-Asfahani and Fakhruddin al-Razi in Surah al-Baqarah of al-T. // Ma'alim al-Qur'an wa al-Sunnah. 2019. 15 (2), 197-214.

9. Jorim Ali. Amin Mustafo. Al-balag'atu-l-vodihatu. -Bayrut: daru sodir. 1992.

10. Hamzah B.M. Penggunaan asalib al-ma'ani di beberapa ayat dalam al-qur'an al-karim.// Prosiding Konferensi Nasional Bahasa Arab. 2020. 6(6), 889-905.

11. Hava S. Al-asas fi-t-tafsir. - Qohira: daru-s-salam. 1985.

12. Hoshimiy A. Javohirul-balag'a fil-ma'oniyy val-bayon val-badi'. - Bayrut: dorul-ihyo'it-turasil- arabiy. 1955

13. Ibrohimov N, Oripov A, Ikromjonov A, Zayriev A. Al-Qomus (T. 4). - Toshkent: G'afur G'ulom. 2022.

14. Ismoilov B. Linguopoetic analysis of surah Humaza. // Internauka. 2020. - S. 66-67

15. Manggala D.N. /Uslub al ijaz fi mawlad al-gharb li shaykh al-Gharb (dirasah tahliliyyah fi'ilm al ma'aniy). 2014.

16. Mansur A. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi va tafsiri. - Toshkent: Toshkent islom universiteti. 2019.

17. Mullasodiqova N. Formas de expresion de opinion en la ciencia Maoniyy. //Religación. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. 2019 4(20), 70-75.

18. Qazviniiy J. Al-Iydoh fi ulumil-balag'a al-ma'oniyy val-bayon val-badi'. - Bayrut: darul-kutubil-ilmiyya. 2003.

19. Rustamiy S. "Esasu-l-belaga" ve "Divan-u lugat-it-türk" eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri.// Electronic Turkish Studies. 2016. 11(20).

20. Rustamiy S. O'rta asrlar islom balog'at ilmida tilshunoslikka oid qarashlar. - Toshkent. 2018.

21. Sohib Islom Maqsud Rahman. Al-Iyjaz fil-Qur'oni-l-karim.//AL-Iydoh. 2016/12. - B. 241-251

22. Sofiy M. Al-jadval fiy i'rabi-l-Qur'an va sarfihi va bayanihi. - Iran: an-nahda. 1999.

23. Xudoyqulova Sh. Dehqonova L. Abdulla Qodiriyning so'z qo'llash mahorati.// Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences, 5-2021. - B. 589-595.

24. Yafie I. Al ijaz wa al itnab fi aurah ibrahim wa amaryam (Dirasah tahliliyyah balaghiyyah fi'ilm al ma'aniy) . - Jakarta. 2016.

25. Zamaxshariy M. Al-Kashshaf 'an haqa'iqi g'avamidi-t-tanzil va 'uyunil-aqovil fiy vujuhit-ta'vil (T. I). Darul-kitabil-'arabiy. - Qohira. - T.I. 2008.

26. Zamaxshariy M. Asasu-l-balog'a. - Bayrut: daru-l-fikr. 1979.